O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • uzasziyoli@list.ru • 2006-yil, 10-noyabr • № 45 (3874)


## ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Мамлакатимиз маданий-маънавий ҳаётида кечаётган жараёнларни, адабиёт, санъат ва бошқа маданий соҳалардаги ўзгаришларни изчил ёритиб бориш, мустақил юрт одамлари онг-шуурида юз бераётган ўзгаришларни, уларнинг янги шароитдаги дунёқарашларини акс эттириш ҳафталигимиз олдидаги бош вазифа ҳисобланади. Шу боисдан ҳам газетамиз саҳифаларида адабиёт, санъат, ижодий жараён, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари билан узвий боғлиқ ҳолда халқимиз ҳаётининг бошқа қирралари миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан акс эттириб борилади.

Бу йил ўзининг эллик ёшини нишонлаган газета ўзи босиб ўтган йиллар давомида шаклланган ва халқимизга, ҳафталик муштарийларига манзур бўлган энг яхши анъаналарини давом эттириб, инсоннинг, айниқса, ортимиздан келаётган ёш авлоднинг маънавий-руҳий камолоти учун хизмат қиладиган юксак савиядаги таҳлилий мақолалар, адабий-бадиий тадқиқотлар, бу борадаги янги топилмалар, янги шарҳ ва мулоҳазаларни мунтазам равишда ёритиб келмоқда. Мумтоз адабиётимизга, маънавий ва тарихий меросимизга доир тадқиқотлар, адабиётшунослик ва санъатшуносликдаги жараёнлар билан бирга тарихий адолат ва ижтимоий фикр ривожидаги ўзгаришлар, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар ҳам атрофлича қамраб олинмоқда. Газета саҳифаларида она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, имон-эътиқоднинг бутлиги, ёш авлодни зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилиш мавзулари ҳам тез-тез кўзга ташланиб турибди.

Муштарийларимиз севимли газеталари саҳифаларида шоир ва ёзувчиларимизнинг янги асарларидан намуналарни, кино, театр, халқ ижодкорлиги, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъатдаги янгиликларни ўқиб бормоқдалар. Мумтоз ва замонавий қўшиқчилик, эстрада ва рақс санъати муаммолари ижодий жамоамизнинг доимий диққат эътиборида. Биз миллий ва умуминсоний қадриятларни, қардош халқлар адабиёти, санъати ва маданияти ютуқларини тарғиб қилиш асносида маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига ўз ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз.

Газета ўзининг ижодий анъаналарига содиқ қолиб, вилоятларимизда, шаҳар ва туманларда яшаб, ижод қилаётган ёш шоир ва адибларга, истеъдодли мўйқалам соҳибларига алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Бу анъана бундан буён ҳам давом эттирилади. Таҳририятга йўлланган энг яхши, пишиқ-пухта шеър, ҳикоя, эссе, таҳлилий-танқидий мақола ёки бирор бир чиқишимизга нисбатан муаллифларимизнинг муносабати, албатта, эълон қилинади.

Ҳар бир газета, жумладан, адабиёт газетаси ҳам, ижодий жамоанинг, фаол муаллифларимизнинг, таниқли адиблар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат арбоблари ва ниҳоят куюнчак газетхонларнинг биргаликдаги меҳнати самарасидир. Муаллифларнинг мактублари, уларда акс этган самимий таклиф ва мулоҳазалар, танқид ва эътирозлар газетанинг қон томирига ўхшайди. Буларсиз ҳеч бир нашрни қизиқарли, ўқишли, бугунги газетхон талабига мос даражада чоп этиш мумкин эмас. Шу боисдан ҳам, биз, таҳририят ходимлари, ҳамиша ўз ўқувчиларимиздан келаётган хат-хабарларга, уларнинг фикрига алоҳида эътибор берамиз, ижодий режаларимизда уларни, шубҳасиз, инобатга оламиз. Газетхонлар билан бўладиган ҳар бир учрашув биз учун янги-янги мавзулар ҳам демакдир.

Айни кунларда бошқа нашрлар қатори «Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги учун ҳам келгуси йил обунаси давом этмоқда. Биз асосий эътиборни газета саҳифаларида ёритилаётган мақолалар савиясини янада оширишга, ҳар бир сонда ўқувчимизга, албатта, бирор бир янгилик айтишга, унинг бизга бўлган ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнингча, газетани самарали тарғиб қилишнинг энг синалган ва фойдаси аниқ бўлган усули шу бўлса керак. Муҳтарам муштарийларимизга йил адоғигача ҳам, келгуси 2007 йилда ҳам кўплаб ижодий совғаларимиз бор. Шу мақсадда астойдил меҳнат қилиш, биз билан узоқ йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келаётган ўқувчиларимиз ишончини оқлаш бизга беадоқ маънавий ҳузур бахш этади.



## МЕҲР УЛАШИБ...

***Пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи ҳар кунгидек гавжум. Карнай-сурнай наволари миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ўзида жамулжам этган "Меҳржон" сайлига чорлаётир. Боғ йўлакларидаги байрам шиорлари, она табиат саховатини намоён этган савдо ярмаркалари, китоб кўргазмалари кўзни қамаштиради.***

Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Азамат Ҳайдаров барчани қадимий халқ сайли билан табриклади. Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро "Олтин мерос" жамғармаси, "Нуроний" ҳамда "Меҳр-мурувват ва саломатлик" жамғармалари каби қатор ташкилотлар томонидан ташкил этилган ушбу тадбир сценарийсини элшунос олим Билол Аминов ёзган. Унда "Ассалом, Меҳржон" театрлаштирилган томошаси, "Дўстлик чамани" бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастури, аскиячи қизиқчилар, масхарабозлар ва спортчиларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Маълумки, "Меҳржон" — кузги тенг кунликда байрам сифатида ўтказиладиган тадбирдир. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошида айниқса машҳур бўлган. Ўрта асрларда "Меҳржон" деб юритилиб, расмий байрам сифатида нишонланган, сайиллар, мусобақалар, томошалар уюштирилган. Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда миллий байрамларимизнинг тиклангани ўзлигимизни англаш, қадимий урф-одат ва анъаналаримизни, жумладан, халқ сайилларини ҳаётга қайтариш имконини берди. Ушбу байрам замирида саховатли замин, меҳнаткаш деҳқонни улуғлаш ғояси мужассамдир. Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида "Меҳржон"нинг Турон, Эрон, Рум ва Афғонистон халқлари ҳаётида чуқур из қолдиргани баён қилинади. Ота-боболаримиз Меҳржон кунларида дала ва боғларга узум ва қовун сайилларига чиққанлар, қавм-қариндошлар бир-бирларини йўқлаб, эҳсонлар берганлар, қарияларга, болаларга совға-саломлар тарқатилган. Меҳр-оқибат, дўстлик ришталари мустаҳкамланган. Меҳржон — меҳри қуёш одамлар демакдир. Қадриятларимиз давомчиси бўлган ушбу байрамнинг кўрки, тароватi, шарофати боқийдир. У донишмандлик ва шукроналик фасли дейилиши ҳам бежиз эмас. Абдулла Қодирий номидаги боғда ўтказилган "Меҳржон" байрами ўз саховати, баракаси билан инсонларга олам-олам қувонч бахш этди.

**М.КАРИМОВА**





***СУРАТЛАРДА:* "Меҳржон" байрамидан лавҳалар.**

***Ш.ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.***

## ЁЗУВЧИ ХОТИРАСИ

*Ёзувчилар уюшмасида*

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов таниқли адиб Иброҳим Раҳимнинг истибдод йилларидаги матонати, эл-юрти ва миллатига меҳрининг ифодаси бўлган ижодий фаолияти, унинг мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг энг илғор жабҳаларида, халқ ичида кўрсатган фидойиликлари, Ватан олдидаги масъулиятли хизматлари ҳақида батафсил сўзлади.

Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов, адабиётшунос олимлар Наим Каримов, Ҳафиз Абдусаматов, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, "Гулистон" журнали бош муҳаррири Азим Суюн, кинорежиссёр Ҳотам Файзиев, шоир Абдунаби Бойқўзиев, шифокор олим Шобот Хўжаев ва бошқалар Иброҳим Раҳимнинг турли матбуот нашрларидаги муҳаррирлик фаолияти, ёшларга устозлиги, инсоний фазилатлари, бадиий публицистика соҳасидаги сабоқлари ҳақида сўзладилар, Иброҳим Раҳим билан кечган дамларни эсга олдилар.

Тадбирда иштирок этган адибнинг қизи Зуҳра Раҳимова хотира кечаси ташкилотчилари ва қатнашчиларига Иброҳим Раҳим оиласи ва фарзандлари номидан миннатдорлик билдирди.

***Газетамизнинг 4-саҳифасида Иброҳим Раҳим ижодига доир мақола эълон қилинмоқда.***

Кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Барҳаёт наволар" туркумидан миллий чолғу ижрочиларининг республика кўрик-фестивали очилди. Фестивал икки йўналишда бўлиб, бугун унинг иккинчи босқичи якунланади.

Карнай-сурнай гуруҳлари ҳамда қадимий миллий чолғулар — чанқовуз, қўшнай, сибизға, буламон, қўбиз ва якка ижрочилик бўйича алоҳида ўринлар белгиланган. Карнай-сурнайчи гуруҳлар қадимий халқ маросимларида ижро этиладиган ноёб ва деярли унутилаёзган куйлар ҳамда замонавий бастакорларнинг асарларини ижро этишмоқда. Миллий чолғуларимизнинг ижрочилари ўз ҳудудларига хос миллий куйлардан ҳам намуналарни тақдим этаётирлар.

## МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Бугун фестивалнинг якуний босқичи давом этади. Фестивал ғолибларига Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази ва бошқа тегишли ташкилотларнинг дипломлари, совринлари ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилади.

**БИЛДИРИШ**

15 ноябр соат 11.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (уюшманинг янги манзили: «Халқлар дўстлиги» метро бекати, Ўзбекистон кўчаси 16а уй) ёзувчи Луқмон Бўрихон қаламига мансуб бунёдкор қурувчилар ҳаётига бағишланган "Темир йўл ёхуд титраётган тоғ" номли янги романи қўлёзмасининг муҳокамаси бўлади.

Ёзувчилар, шоирлар, олимлар ва адабиёт мухлислари таклиф этилади.

**Ёзувчилар уюшмаси**

## БЕБАҲО ХАЗИНА

### Ўзбек миллий қомусининг 12 жилдлик нашри якунланди

**Истиқлолимизнинг 15 йиллиги байрами арафасида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» 12 жилдлигининг нашри якунланиб, китобхонлар қўлига етиб бориши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Бу воқеани ҳозирги ўзбек фанининг катта ютуғи, деб баҳолаш мумкин. Негаки, қомуснинг майдонга келишида илм-фан, адабиёт ва санъат, шунингдек, халқ хўжалиги ва бошқа кўплаб соҳаларнинг қарийб барча йирик билимдонлари фаол иштирок этдилар. Шунинг учун ҳам уни 12 сандиққа жойлаштирилган хазинага қиёслаш ва шу хазинани бунёд этган кишиларга миннатдорлик туйғуларини изҳор этиш лозим.**

Инсоният дунёга келибдики, эҳтиёж ва зарурат талаби билан илмий ва бадиий асарлар яратилиб келади, фан ва техника соҳасида эса оламшумул кашфиётлар қилинади. Улар жаҳон тамаддуни тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилганига қарамай, муайян бир халқнинг ёхуд муайян бир соҳанинг узоқ тарихий даврлар мобайнида эришган ютуқлари сифатида ҳам эътиборга сазовордир.

1751 йилда машҳур француз маърифатпарварлари ташаббуси билан «Энциклопедия ёки фан, санъат ва касб-ҳунарларнинг изоҳли луғати» деган илк қомусий нашрнинг 1-жилди чоп этилган. 35 жилдлик бу нашр ҳали якунланмай туриб, 1768-1771 йилларда уч жилдли машҳур «Британия энциклопедияси» яратилган.

Икки ярим асрлик тарихи давомида энциклопедия яратиш мактаби катта йўлни босиб ўтди. Шу даврда кўплаб машҳур энциклопедик нашрлар юзага келди ва улар муайян халқнинг инсоният тамаддуни хазинасига қўшган буюк ёхуд камтарона ҳиссасини намойиш этувчи кўзгуга айланди. Афсуски, Ўзбекистонда миллий энциклопедияни яратиш ишига илк бор ўтган асрнинг 60-йиллари охиридагина киришилдики, бу ҳол шўролар давридаги сиёсий-ижтимоий вазият билан изоҳланади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» (ЎМЭ) нинг 2000 йили чоп этилган 1-жилдидаги табригида Президент И.А.Каримов ушбу сўзларни ёзган эди: «Энциклопедиянинг асосий вазифаси — аввало, Ўзбекистоннинг буюк тарихи, бетакрор маданияти, улуғ мутафаккир ва алломаларимизнинг умумбашарият тараққиётига қўшган ҳиссасини, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон деб аталган гўзал юртнинг ўзига хос ва ўзига мос қиёфасини, Ватанимизнинг табиий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, энг катта бойлигимиз бўлмиш мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган ва яшаётган одамларнинг ибратли фаолиятини бутун дунёга намойиш этишдир.



Шу билан бирга миллий қомусимиз ҳар қайси инсон учун, халқимиз ҳаётига қизиқадиган олимлар ва зиёлилар, турли соҳа мутахассислари учун муҳим илмий манба, бебаҳо хазина сифатида хизмат қилади».

ЎМЭнинг 12 жилдли нашрини варақлар эканмиз, Юртбошимиз сўзлари ноширлар учун дастуриламал аҳамиятига эга бўлгани, уларнинг шу сўзларда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ва рағбат олган ҳолда масалага улкан масъулият билан ёндашганларига ишонч ҳосил қиламиз.

Миллий энциклопедиянинг биринчи нашри тугалланган 1980 йилдан кейин мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий ўзгаришлар рўй берди. Узоқ йиллар давомида 7 минг муаллиф иштирокида яратилган 14 жилдлик нашр янги ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий даврнинг талабларига жавоб беролмай қолди. СССРнинг парчаланиб, мустақил Ўзбекистон Республикасининг вужудга келиши, совет даврида халқ ва мамлакат ҳаётининг ҳар бир соҳасига кириб ўрнашган коммунистик мафкуранинг ўз мавқеини йўқотиши том маънодаги миллий энциклопедиянинг бунёд этилиши учун зарур шарт-шароит яратди.

Сир эмас, ҳар бир халқнинг маънавий, маърифий ва руҳий тараққиётида дин ғоят муҳим ролни ўйнаб келган. Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намояндалари, шу жумладан, Алишер Навоий асарларида диний мотивлар салмоқли ўрин эгаллаган. Аммо ўтган асрнинг 90-йилларига қадар ҳатто «Хамса» достонларининг Аллоҳ ва пайғамбар шаънига айтилган ҳамду сано қисмлари қисқартирилган ҳолда нашр этиб келинди. Ҳатто Шекспир трагедиялари матнларидан ҳам Парвардигор номи билан боғлиқ сўзлар олиб ташланди. Коммунистик мафкура халқнинг диний маданиятига рахна солибгина қолмай, шонли тарихий ўтмиши ва маданиятини ҳам ўз чиғириғидан ўтказди. Подшолар қандай хайрли ишларни амалга оширганларига қарамай, барчаси золим ва босқинчи, деб келинди. Амир Темур, Султон Ҳусайн, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Феруз сингари машҳур маърифатпарвар подшоларнинг номларини фақат таҳқир ва ҳақорат сўзлари билан тилга олиш мумкин эди, ўшанда.

**Давоми иккинчи бетда.**

## ИЖОДИЙ САФАР



"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги ижодий жамоаларда Президентимизнинг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини бажариш юзасидан муҳим маданий ишлар амалга оширилмоқда.

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрининг Тошкент шаҳрига ижодий сафари шундай тадбирлардан биридир.

Сурхондарё театри Республика театрларимиз орасида катта ижодий йўлни босиб ўтган бадиий жамоалардан ҳисобланади. У марказий театрларга тақлид қилмасдан доимо ўз сўзи ва ижодий қиёфасига эга бўлган. Театр жамоаси етмиш йил давомида пойтахтимизда тўрт марта меҳмон бўлган ва у ҳар доим ўз асарларининг долзарблиги, ҳаётий воқеаларга бойлиги билан томошабинлар олқишига сазовор бўлган. Театр халқимиз маънавий эҳтиёжларга жавобан ёшларни баркамоллик руҳида тарбиялашга, меҳр-муҳаббат, Ватан, она-юртга садоқат туйғуларини улуғлашга ҳисса қўшмоқда.

— Истиқлол йилларида театр репертуаридан элликдан зиёд турли жанрлардаги ўзбек ва хорижий драматургларининг асарлари ўрин олди, — дейди театрнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Равшанов. — Янги асарга илк бор қўл ураётганда биз ягона мақсадни асос қиламиз. У ҳам бўлса саҳналаштирилган асар ҳар бир томошабинни ҳаяжонга солишини, уни ўйлантиришини, мунозарага чорлашини ва гоҳида кулдириб, гоҳида йиғлатишни ният қилиб оламиз. Театрга келган ҳар бир томошабин ҳеч қачон ҳаётга ва инсонлар тақдирига бефарқ бўлмаслигига ҳаракат қиламиз.



Озгина бўлса ҳам томошабин асарларимизни кўриб янада гўзалроқ, самимийроқ, меҳрибонроқ бўлсин деймиз.

Сурхондарёлик санъаткорлар 14-16 ноябр кунлари Ўзбек Миллий академик драма театри биносида таниқли адиб Темур Зулфиқоровнинг "Қафасдаги каклик" асарига шоир Шафоат Раҳматуллаев татаббуси асосидаги "Шоҳ ва шоир" ҳамда драматург Х.Хурсандовнинг "Қайсар чолнинг қилиғи" ва "Кампир топайми, дадажон?" асарларини намойиш этадилар.

Пойтахтимиз меҳмонлари намойиш этадиган спектаклларга барча театр санъати мухлисларини таклиф этамиз.

**А.РАҲИМОВ**



**Рустам СУЛАЙМОНОВ:**

## УНУТИЛГАН ТАМАДДУН СИРЛАРИ

**— Қадрли Рустам ака, мана, қадимий Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи нишонланди. Жаҳон тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу шаҳарнинг энг қадимий даврларига оид китобларингизни ўқиганмиз. Илк шаҳарларнинг ибтидоий даври ҳамиша сирли. Бу ҳаммани қизиқтириши табиий.**

— Ёзма манбалардан маълумки, бир пайтлар кўҳна Ерқўрғондаги қалъаларда ўз ўтмишини бошлаган антик шаҳар XIV асрга келиб Қарши номини олган. Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳукмронлигининг дастлабки даврларида шаҳар атрофи илк бора девор билан ўралган. Шайбонийлар, аштархонийлар ва Бухоро амирлари даврида ҳам Қарши муҳим савдо ва ҳунармандлик марказларидан бири бўлиб қолди.

Воҳанинг ўрта асрлардаги пойтахт шаҳри ҳозирги Қарши шаҳридан беш километр олисда жойлашган ва у Нахшаб (Насаф) деб аталган. У арабларнинг суғд заминини эгаллаш учун узоқ давом этган қонли жанглари даврида ҳам мустаҳкам шаҳар қалъаси бўлган. VII — VIII асрларга доир ёзма манбалар шундан далолат беради.

Сайёҳлар, қадимшунослар ва тадқиқотчилар XIX асрдан бошлаб Қарши — Бухоро йўли ёнида жойлашган қадимий шаҳар қолдиқларига катта эътибор билан қарай бошладилар. Унинг тарихи яқин-яқинларгача маълум эмас эди. Халқ тилида Ерқўрғон дея атаб келинган бу ёдгорлик ўз миқёси жиҳатидан қадимий Бақтриянинг Балх ва Месопотамиянинг Суза шаҳарларидан қолишмайдиган улкан шаҳар қиёфасига эга. Таъкидлаш лозимки, ўз даврида Ерқўрғон бутун жанубий Суғдиёнанинг пойтахт шаҳри бўлган.

**— Суғдиёна деганда беихтиёр қаҳрамон Спитамен, малика Рохшанак эсга тушади. Улар нафақат фотиҳ Александр Македонский тақдирида, балки халқимиз ва Ватанимиз тарихида ҳам ўчмас из қолдирган. Демак, Қарши бир замонлар Суғдиёнанинг улуғ шаҳарларидан бири бўлган экан-да...**

**Давоми иккинчи бетда.**


O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI —
MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05;
Faks: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

*Хизматлар лицензияланган*

*Бир учрашув тарихи*

# ҒАФУР ҒУЛОМ — МУХБИР

Тўрақўрғон туманининг кўҳна Шаҳанд қишлоғида матбуот фахрийси, заҳматкаш журналист Бозорбой Қаюмов яшайди. У Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Тўрақўрғон, Наманган вилоят газеталари таҳририятида турли вазифаларда ишлаб пенсияга чиққан, саккиз нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган. Ҳозир саксон ёшни қоралаяпти. Шунга қарамасдан ҳамон сафимизда, ҳамон ижод билан машғул.

Яқинда отахондан хабар олиш учун уйига бордим. Анча уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирдик. Гап орасида академик шоир Ғафур Ғулом билан бир неча марта учрашиб, ҳамсуҳбат бўлиш бахтига муяссар бўлганликларини айтиб қолдилар. Мен қизиқиб бу ҳақда батафсил гапириб беришларини илтимос қилдим.

— Эллигинчи йилларнинг боши, феврал ойи эди, — деб ҳикоя қила бошлади устоз. — Ўшанда Наманган туманининг "Учқун" газетаси таҳририятида ишлардим. Таҳририят Наманган шаҳрининг собиқ Комбриг Синицин кўчасида жойлашган эди. Бу эски бино ҳозир йўқ, текислаб ўрнини гулзор қилишган. Йўлнинг жануб томонидаги "Ўзбекистон" ресторани, "Лаҳзалик" тамаддихона, ихчам маъмурий бино, кинотеатр сақланиб қолган.

Бир куни муҳарриримиз Иброҳимжон Юсупов шоир Ғафур Ғуломни таҳририятга бошлаб келди. Мен навбатчи эдим. Шошилиб ўрнимдан турдим, салом бериб сўрашдим. Тезда чой дамлаб келдим. Шу орада танишиб олдик. У ўз одатига кўра кўпчилик билан сенсираб гаплашарди. Ҳеч ким хафа бўлмасди. Ғафур ака муҳарриримиз билан эски қадрдон экан, бир пиёла чой устида бироз ҳангомалашиб ўтиришди, бирбирларидан ёр-биродарларини сўрабсуриштиришди. Гап орасида Ғафур ака мени "Яхши йигит экансан, астойидил бўлавер", деб мақтади, руҳлантирди. Ниҳоят улар ўринларидан қўзғалишди. Ғафур ака кетатуриб менга тайинладилар:

— Биз Телман колхозининг раиси Юнусали Йўлдошевни олдига кетяпмиз. Ўша жойдан мақола тайёрлайман. Тошкентдан, "Қизил Ўзбекистон" газетасидан телефон қилиб қолишса, мени қаердалигимни айтасан. Зарур гап бўлса, менга етказасан, ука!

— Хўп бўлади, Ғафур ака! — дедим мен.

Ўша даврда Наманган туманидаги Телман номли колхоз сабзавотчилик билан шуғулланиб, шуҳрат топган эди. Катта иссиқхонаси бор, қишин-ёзин помидор, бодринг, бошқа сабзавотлар етиштирилар эди. Адашмасам, кейинги даврда колхоз "Соҳибкор" ширкат хўжалигига айланди, ҳозир фермер хўжалиги бўлиб кетган бўлса керак...

Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмасдан Тошкентдан қўнғироқ бўлди: "Газета саҳифасидан жой олиб қўйилган, Ғафур акага айтинг, тезлатишсин". Колхозга телефон қилиб, бўлган гапни етказдим. Ғафур ака "Раиснинг хонасида ўтириб ёзяпман, самолёт билан юбораман", деди. Тушликдан кейин ўзлари ҳам таҳририятга келдилар.

— Салоҳ Қориев қани, ука? — деб сўради.

— Сизлар билан чиқиб кетганди-ку! — дедим мен. — Шу бўйи келгани йўқ!

— Салоҳ мақолани самолётга етказдимикин? — деди Ғафур ака ташвишланиб. Кейин муҳаррирга қараб гапини давом эттирди: — Иброҳимжон, Салоҳни масъул котиб қилиб жа талтайтириб юборибсан-да... Бир ишкал чиқармаса гўрга эди.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Яқин турганим учун гўшакни кўтардим. Телефон қилаётган аэропорт бошлиғи экан.

— Бир ходимингиз келиб, учиб кетган самолётни қайтарасан деяпти, қандайдир хати бормиш... Ахир...

— Айтмадимми, Салоҳ қайдадир тутилиб қолган, самолётга улгурмаган. Ҳозир бориб хатни оламан, ўзимиз етказиб берамиз, — деди Ғафур ака хафа бўлиб.

Ташқарига чиқдик. Ғафур ака "Победа" машинасида келган экан. Аксига олиб, ҳайдовчиси Мустафо жойида йўқ. Тамаддихонани, ресторанни, уёқ-буёқни қарадик, ҳеч қаерда кўринмайди. Ғафур ака "Топ, тез топ" деб шошилтиради денг... Биз тополмаймиз. Шунда Ғафур ака журналист дўсти Ҳотам Қирғизбоевга қараб шундай дегани ёдимда қолган: "Худонинг борлигига ишонаман, лекин Мустафо йўқ". Ниҳоят Мустафони топиб келишди. Маълум бўлишича, шу яқиндаги музейга кирган экан. Ғафур ака ҳаммамиз билан хайрхўшлашиб жўнаб кетди.

Эртасига "Қизил Ўзбекистон" газетасининг учинчи саҳифасида Ғафур Ғуломнинг "Қишда ҳам ёздагидек" сарлавҳали каттагина мақоласи босилди.

— Бозорбой ака, халқ меҳрини қозонган шуҳратли шоир билан кейинги учрашувларингиз тўғрисида ҳам гапириб берсангиз? — дедим.

— Ғафур ака жуда камтар инсон эди. Мен катта шоирман деб мағрурланишни билмасди. Оддий одамлар билан тез тил топишарди, апоқ-чапоқ бўлиб кетарди. Билимдон, гапга чечан, танти, қўли очиқ-кўнгли очиқ, улфат одам эди. Кейинги сафар ёзда келдилар. Юқорида тилга олинган манзилда "Наманган ҳақиқати" газетаси таҳририяти ҳам жойлашган эди. Масъул котиб Абдулла Ҳайировнинг хонасида Азиз Турсун, Салоҳ Қориевлар билан гаплашиб тургандик. Муҳаррир Санжар Тилла эди. Шу пайт хонага Ғафур Ғулом кириб келди. (Ҳойнаҳой, муҳаррирнинг хонасидан чиққан бўлса керак). Ҳаммамиз билан саломлашди. Айниқса, Азиз Турсун билан қуюқ сўрашди. Кейин:

— Почталон келмадими? — деб сўради.

— Йўқ, — дедик бараварига.

— Пул опкелиши керак эди, — деди Ғафур ака.

Зум ўтмасдан почталон аёл ҳам кўриниб қолди, Ғафур акага уч минг сўм "перевод" пул берди. У вақтларда бу жуда катта маблағ ҳисобланарди.

— Қани, йигитлар, ресторанга кетдик, — деди Ғафур ака. — Сенларга бир зиёфат қилиб берай...

Етти-саккиз чоғли ижодкор етаклашиб "Ўзбекистон" ресторанига ўтдик. Буфетнинг олдига боргач, Ғафур ака хушчақчақлик билан эълон қилди:

— Юз грамм ичадиганлар буёққа, юз элликта ичадиганлар буёққа турсин.

Икки саф бўлдик. Ғафур аканинг дўсти Акрам Қодирий "юз элликта"ликлар сафида турарди.

— Акрам, ҳалиям кўп ичаяпсан экан-да, нафсинг қурсин! — деб ҳазиллашди Ғафур ака.

Кулишдик. Ҳазил-ҳузул гаплар давом этди. Зиёфат тугагач Ғафур ака муҳаррирнинг олдига кириб кетди, бизлар ҳам ўз юмушимиз билан ҳар ёққа тарқалишдик.

Ғафур Ғуломни республика ишчидеҳқон мухбирларининг биринчи қурултойида ҳам кўрдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик, наманганлик оғайниларини суриштирди. Бунақа одамшинаванда инсон, ажойиб шоир Ўзбекистонда битта эди. У билан бўлган барча учрашувларим хотирамда абадий муҳрланиб қолган.

**Суҳбатдош: Мамасоли АБДУРАҲМОНОВ**

## САВОЛ-ЖАВОБ

*туркум*

**— У нима уй ичида уй қуради?**
**У нимадир оёғи йўқ, юради?**
**— Қалдирғоч уй ичида уй қуради.**
**У илондир оёғи йўқ, юради.**
**— У нимадир халтасида боласи?**
**У нимадир ёнғоқ чақар болғасиз?**
**— У кенгуру халтасида боласи.**
**У олмахон ёнғоқ чақар болғасиз.**
**— У нимадир тарози йўқ, тоши бор?**
**У нимадир подшо эмас, тожи бор?**
**— У тошбақа тарози йўқ, тоши бор.**
**У хўроздир подшо эмас, тожи бор.**
**— У нимадир қанотлари гуллаган?**
**У нимадир доим бўри қувлаган?**
**— У товусдир қанотлари гуллаган,**
**У қуёндир доим бўри қувлаган.**
**— Қайдан билдинг бу саволлар жавобин?**
**— Қўлимдадир, дада, доим китобим!**




* * *

**— Учиб юрар жонли гул?**
**— Капалак-да, капалак.**
**— Осмондаги рангли йўл?**
**— Камалак-да, камалак.**
**— Айланиб юрар доим?**
**— Ғилдирак-да, ғилдирак.**
**— Булутлар солган шовқин?**
**— Гулдирак-да, гулдирак.**
**— Осмондаги момомиз?**
**— Оймомо-да, Оймомо.**
**— Серневара бобомиз?**
**— Бойбобо-да, бойбобо.**
**— Чақмоқ қайда гуллайди?**
**— Осмонда-да, осмонда.**
**— Шуларни ким билмайди?**
**— Ўқимаган нодон-да!**

## ОТАМНИНГ БОҒИ

**Кириб боқ бир бу боққа,**
**Жам бунда эрам ҳусни.**
**Ҳайратланиб қучоқдан**
**Тушиб кетар тарвузинг.**
**Кулар хандон писталар**
**Боғнинг қувноқ қизлари.**
**Уятчан гилосчалар**
**Турар чўғдай қизариб.**
**Бу хўб одобли ток-да,**
**Эгилиб турар узум.**
**Қара лампочка нокка,**
**Ёришиб кетар юзинг.**
**Қанттай, дейсан тотисанг,**
**Ана шундай қантак ўрик.**
**Чойнак тушар ёдингга,**

*Ўзим ўқийман*



**Анов беҳини кўриб.**
**Пишиб ёрилган анор —**
**Кулиб юборган пари.**
**Кўринар қатор-қатор**
**Ёқут каби тишлари.**
**Бу ёққа боқ, бу ёққа,**
**Кўрсатай боғ гўзалин.**
**Сўзим кирмас қулоққа,**
**Олма терар кўзларинг.**
**Қай бирига қарашни**
**Билмай, шошиб қолдинг-а?**
**Шафтолини айтолмай,**
**"Шап-шап-шап" деб толдинг-а?**
**Шундай мевасин тотиб,**
**Тўярсан ўзинг, дўстим.**
**Лекин бу боққа боқиб,**
**Тўймас ҳеч кўзинг, дўстим.**



## ШАМОЛ

**Дарахтларни силкитиб,**
**Тегмаганга тегиб хит,**
**Кезар шамол ғув-ғув.**

**Бандин узган япроқлар —**
**Учқур-чопқир тойчоқлар**
**Ўйнаб юрар қув-қув.**

**Юм-юмалоқ соққадай**
**Дум-думалоқ олмалар**
**Қулаб тушар дув-дув.**

**Қўрқиб кетган қушчалар**
**Сапчиб кўкка учарлар,**
**Кўтаришиб қий-чув.**

**Ғазабланган дев каби**
**Каттакон тоғ тебраниб**
**Гувранади гув-гув...**

**Дилшод РАЖАБ**

## Дунё—кенг...



### ОЗОН ҚАТЛАМИДАГИ ҚОРА ТУЙНУК

**НАСАнинг Ер озон қатламини кузатиб борадиган сунъий йўлдоши яқинда ташвишли маълумотни етказди. Коинотдан юборилган суратда олимлар Ернинг озон қатламида ҳозиргача маълум бўлмаган жуда кенг ва чуқур емирилиш пайдо бўлганини кўришди. Шунча йиллик кузатувлар мобайнида ҳали бундай нохуш кашфиётга дуч келинмаган эди.**

Арктика ҳудуди устидаги бу қора туйнукнинг катталиги 10,6 миллион квадрат миль бўлиб, бу етти йил олдин кузатилган озон қатламидаги ёриқдан икки марта катта. Маълумки, озон қатлами Ерни ҳалокатли ультрабинафша нурлардан сақлайди. Озон қатлами 6 милдан 30 милгача баландликда, стратосферада бўлиб, усиз Ердаги ҳаётни ҳозирги кўринишда тасаввур этиш мумкин эмас.

Дастлаб 1985 йили озон қатламида емирилиш кузатилганда кўп шов-шувлар пайдо бўлганди. Шунгача "парник эффекти" борасидаги гаплар деярли ҳеч кимни ташвишга солмаганди. Ўшандан сўнг инсоният озон қатламини ҳимоя қилишга жон куйдира бошлади. Турли хил фаразлар айтилди. Озон қатламидаги қора туйнук тобора кенгайиб, Австралия ва Янги Зеландиянинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларини, кейинчалик бутун Ер юзини ультрабинафша нурдан ҳимоя қилмай қолади, одамлар радиациядан ҳимояланиш учун уйларидан очиқ ҳавога чиқолмайди, деган қўрқинчли тахминлар айтилди.

Озон қатламининг емирилишига таркибида аэрозол бўлган хавфли моддалар сабаб, деган фикрга келингач, тез-орада саноатда озонни емирадиган элементлар ишлатиш таъқиқланди. Мамлакатлар бундай хавфли моддаларни ишлатишдан воз кечди.

Афтидан, инсоният бу хавф-хатарнинг олдини олгандай, озон қатламининг емирилган қисми тўлишиб, тикланиб бораётир, энди ҳеч қандай қора туйнук қолмайди, деб умид туғилган бир пайтда тағин ташвишли хабар тарқалди. Шу йил 21 сентябрдан 30 сентябргача Артика устидаги озон қатлами емирилиши кескинлашгани кузатилган. Олинган маълумотларни таҳлил қилган олимлар аввалги умидбахш тахминлар нотўғри эканини тан олишмоқда.

Озон қатлами тадқиқотчилари бу ҳолни ҳозир атмосферанинг юқори қатламларидаги ҳароратнинг кутилмаганда пасайиб, одатдаги меъёрдан 5 градус пастга тушиб кетиши билан боғлашмоқда. Шу билан бирга, олимларнинг фикрича, гарчи айни пайтда озон қатламини емирадиган кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаётган бўлса-да бу хавфли моддаларнинг атмосферага тарқалиб кетган қисми ҳам узоқ вақт озон қатламига зиён етказиши мумкин экан.

### СЕВИМЛИ ТАОМ — ХАВФЛИ

**Милandаги фармокология тадқиқотлар институтида ўтказилган илмий таҳлил натижалари бутун Италияда чинакам шов-шув уйғотди. Маълумки, бу мамалакатда макарон маҳсулотларидан тайёрланган таомлар ниҳоятда эъзозланади. Айни шундай маҳсулотлардан бири — спагетти бошқа маҳсулотларга қараганда кўпроқ буйрак саратонини келтириб чиқараркан.**

Италиялик хўрандалар орасида бир кунда 300 грамм макарон маҳсулотини истеъмол қилмайдиганини топиш қийин. Қолаверса, италияликлар спагеттининг канеллони, лазан, пиццу, раволи каби бир қанча турларини севиб истеъмоли қилишади. Бироқ бу таомлар углеводларга жуда бой бўлиб, қанда холестириннинг ортиб кетишига, ортиқча семиришга, қанд диабети ва бошқа касалликларга сабаб бўлади.

Ўтказилган сўровларда 24 ёшдан 79 ёшгача бўлган 2300 дан ортиқ италиялик иштирок этган. Айнан шундай ёшдагилар атай танланганининг боиси шундаки, бу ёшдагилар ун маҳсулотларидан тайёрланган таомларни, шу жумладан, спагеттини тез-тез истеъмол қилишади.

Тадқиқот натижалари ғоятда ташвишли хулосаларни берди: ҳар куни 340 грамм ун маҳсулотидан тайёрланган таомларни истеъмол қилганлар айни шу таомларни ҳар куни 100 грамм истеъмол қиладиганларга қараганда икки карра кўпроқ буйрак саратони билан касалланаркан. Яна бир ҳушёр торттирадиган маълумот ҳам тадқиқот жараёнида маълум бўлган: сўралган 2300 нафар аёлнинг 767 нафари саратон хасталигининг оғир, даволаб бўлмайдиган шаклидан азоб чекишаркан.

*Назмий ҳангомалар*

## НОС ВА СЕВГИ

**Эрта туриб, юз ювиб, бир ланжлик сезиб танда,**
**Гуллаған бу оламга тикилдим қилмай ханда.**

**Нос излаб Муқим носкаш дўконига йўл олдим,**
**Ўхчиб-ўхчиб йўталмоқ одатим қилмай канда.**

**Носфурушнинг эшигин қоқдим тошиб хуморим,**
**Чийиллоқ овоз туйди қулоқларим шу онда.**

**Ланг очилғон эшикдан, фақирни айлаб карахт,**
**Чиқди ажиб бир жонзот, таърифи йўқдир фанда.**

**Жонзот бошин ёнида тиржаяр кичик калла,**
**Икки жажжи оёқча қимирлар бел томонда.**

**"Нос керакми?" деб туйқус ўзбекчалаб сўз қотди,**
**Бош ирғасам деди у: "Отамни чорлай унда".**

**Сўнг англасам, укасин орқалаб опичлаған —**
**Муқим носкашнинг кенжа қизи экан бу банда.**

**Кўксимга қилиб "туф-туф", ўнглаб олдим ҳушимни,**
**Саҳарлаб нос чекмасанг, эс оғар экан санда.**

**Қиз бурилғоч, юрагим "жиз" этди, Шомил вос-вос,**
**Бу уйга энди носга келмоғим тайин кунда.**

## АЖАБ ДАВРОН

**Ажаб даврон кўп ажаб янгиликка етаклар,**
**Юқорилаб аёллар, пастлаб борур эркаклар.**

**Аёлларга эркинлик дарё бўлиб қуйилғоч,**
**Кўпаймишдир аларда ғалат-ғалат эрмаклар.**

**Аҳли эркак ориқлар нону чойга боғлануб,**
**Ожизалар "гап" ўйнар ямлаб минг хил емаклар.**

**Тозамисан, кирмисан, шим йиртиқми ё бутми —**
**Деган саволни кутманг, йўқдир аҳвол сўрмаклар.**

**Бор эркакча қилиқлар эсдан чиқиб бирма-бир,**
**Йўқ чойхона гурунги, ҳайқириб ош емаклар.**

**Тунда бешик тебратиб, хамир қориб тонг саҳар,**
**Қўлимиздан тушмагай энди тувак-сумаклар.**

**Азон ҳовли супуриб, соғиб эчки-сигирни,**
**Ёғдирди кўп "ҳайфсан" ишдан кечга қолмаклар.**

**Шомил вос-вос хавфсирар — эрта-индин, ишқилиб,**
**Бизга қолиб кетмасин болани ҳам туғмаклар.**

**Эркинжон КАРИМОВ**

# "ОЛА ХУРЖУН ЭГНИМДА..."

*Пародия-тақриз*



Ж.МИРЗО чизган сурат.

Яқинда "Мунтазир" нашриёти шоир Жағи Бийроннинг навбатдаги китобини чоп қилди. У ўзининг "Чирманда" тўплами билан сиз шеърхонларга аввалдан таниш. Бу гал эса унинг "Шарманда"си чиқди. Китобнинг номланиши бир қарашда сизга ғалати туюлар. Лекин зукко китобхон барибир шоирнинг мақсадини англаб етади, деган умиддамиз. Шоирнинг маҳоратини қаранг-ки у "Шарм анда" яъни шарму ҳаё унда, у қизда демоқчи. Кўрдингизми, китобнинг номиёқ шеърхонни чуқур ўйлашга ундайди.

Келинг, яхшиси китобни аста варақлайлик. Шошилишга ҳожат йўқ. Негаки китоб бор-йўғи 8 варақдан иборат. Шоир ўқувчини зериктирмаслик учун ана шундай ўзига хос йўлни тутган.

***Ола хуржун бўйнимда,***
***Бошимда папоғим бор.***
***Қоладиган кейнимда***
***Юмшоғим, оппоғим бор,***

дейди у "Келинг, танишайлик!" деган шеърида.

Шоирнинг маҳоратини қаранг-ки, дабдурустдан "Мен фалончиман" демайди, ҳаёти ҳақида узундан-узоқ ахборот ҳам бермайди. Бу вазифани мисраларга юклайди.

"Олахуржун бўйнимда" дегани уйланганман, рўзғор ташвишларидан холи эмасман дегани. "Бошимда папоғим бор" — лирик қаҳрамон бошига папоқ кийибдими, демак у бу шеърни қиш вақтида ёзган. У ана шунга ишора қиляпти. Шоирнинг яна бир усталиги шундаки "Болаларим бор" демасдан "Юмшоғим, оппоғим бор" дея баралла ҳайқиради.

Шу ўринда, яна бир мулоҳаза. Шоир нега қалпоқ ёки телпак сўзини қўлламасдан "Папоқ" деб ёзади. Бунинг ҳам ўзига хос нозик томони бор. Бизнингча "Қалпоқ" сўзининг ясалиши мунозарабоп жараён. Маълумки қалпоқ — бош кийими, каллага кийиладиган кийим: кал+пок. Шундай экан уни калпоқ тарзида ёзиш вақти келмадимикан?!

Илгари кал кишилар кўп бўлган. Улар бу қусурни яшириш учун бошига ёзу қиш кийим кийиб юришган. Балки қалпоқ сўзи шундан олингандир?! Хўш, энди иккинчи компонент — поқ қўшимчаси қандай маънога эга? Бизнингча пок — бу ўрисча "покрыват" сўзининг қисқарган варианти. Демак "Калпоқ" кални ёки каллани ёпадиган ёпинчиқ маъносини беради.

Фикримизнинг далили сифатида "Пайпоқ" деган сўзга мурожаат қиламиз. Пайпоқ бу оёқни ёпадиган, оёққа кийиладиган кийим. Демакки, "пойпоқ" тарзида ёзиш жоиз. Негаки пой — оёқ маъносини билдиради. Пай эса мускул демакдир. Биз мускулни эмас, оёқни ёпамиз-ку!

Менимча ўзбек тили луғат таркибини кўриб чиқиб, жиддий элакдан ўтказиш керак. Негаки юқоридаги сўз ясаш қоидамиз "қўлқоп" сўзига келиб яна бузилади. Агар биз юқоридаги нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, "қўлпоқ" деб ёзилиши керак. Балки сиз "қўлқоп" бу қўлга кийиладиган қоп маъносида бўлиши мумкинку, деб эътироз билдирарсиз. Бу фикрни маъқуллайлик ҳам. Бироқ қўлқопнинг бармоқлари бор-ку? Бармоқ битган қопни қаерда кўргансиз?! Ана сизга муаммолар ёнғоғи, тишингиз ўтса чақаверинг.

Жағи Бийроннинг нега қалпоқ ёки телпак сўзини четлаб ўтганлигини энди англагандирсиз. Қарангки, шоирнинг миттигина китоби тилшуносларимиз олдига тоғдай улкан, тошдай қаттиқ муаммоларни қўймоқда.

Мавзудан сал четлашдик чоғи. Келинг, яхшиси китобни варақлашда давом этайлик. Унинг "Экология" сарлавҳали шеъри бор-йўғи бир мисрадан иборат: **"Трактор тариллаб тарқатар тутун".** Ана сизга шеър. Буни модерн шеърият дейдилар. Ана шу бир мисра шеърда катта достонга арзигулик фикр айтилганига эътибор беринг.

Таҳлилга ўтайлик. Демак трактор тариллаб турибди. Яъни ёқилғи бекорга исроф бўлмоқда. Бунинг устига унинг тариллаши неча ўнлаб одамларнинг асабини емираётир. Яна бир жиҳатга эътибор беринг. Трактор шунчаки тутун чиқараётгани йўқ, тутун тарқатмоқда. Демакки, экологияни булғаяпти. Шоир ана шу сонсиз муаммоларни атиги бир йўл шеърда акс эттира олганига офарин!

***Айриликнинг азоби***
***Ҳар недан ёмон энди.***
***Жанубга кетган қушлар,***
***Қайтинг биз томон энди,***

дейди бир шеърида.

Ният яхши, лекин парранда гриппини унутмаслик керак, биродар!

***Менга сенинг соғлиғинг керак,***
***Нада олтин, мисинг кутаман.***
***Кунда эмас, майли кунаро***
***SMSинг кутаман,***

дейди шоир яна бир шеърида. У ўзбек шеъриятига биринчи бўлиб SMS атамасини олиб кирди. Ана сизга новаторлик! Эътибор беринг-а, SMSни кунда эмас, кунора кутяпти. Яъни севгилисининг моддий аҳволига зарар етмаслиги тўғрисида қайғурмоқда.

Биз иқтидорли шоир Жағи Бийрондан янги китоблар кутиб қоламиз.

**Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ,**
*Урганч шаҳри.*

*Янги китоблар*




А.ҲАКИМОВ чизган сурат.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.10.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 2877. Буюртма Г — 1349. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН